
СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

№4 (2019)

TOSHKENT-2019

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан
23.03.2018 йилда, 1175-сонли гувоҳнома билан
рўйхатдан ўтказилган.**

Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати:

Назаров Бахтиёр - академик. (Ўзбекистон)
Якуб Умарўгли - ф.ф.д., профессор (Туркия)
Алмаз Улви Биннатова - ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)
Боқиева Гуландом - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Миннуллин Ким - ф.ф.д., профессор (Татаристон)
Маҳмудов Низомиддин - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Керимов Исмаил - ф.ф.д., профессор (Россия)
Жўраев Маматкул - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Куренов Раҳиммамед - к.ф.н. (Туркменистон)
Кристофер Жеймс Форт - Мичиган университети (АҚШ)
Умархўжаев Мухтор - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Мирзаев Ибодулло - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Болтабоев Ҳамидулла - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Дўстмухаммедов Хуршид - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Лиходзиевский А.С. - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Сиддиқова Ирода - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Шиукашвили Тамар - ф.ф.д. (Грузия)
Тўхтасинов Илҳом - ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон) - масъул
коғиб

Нашрга тайёрловчи: Юсупов Ойбек Неъматжонович,
E-mail: word@tadqiqot.uz

**Зарегистрировано свидетельством 1175 от
23.03.2018 г.**

**Агентством печати и информации
Республики Узбекистан.**

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр - академик. (Ўзбекистон)
Якуб Умар оглы - д.ф.н., профессор (Туркия)
Алмаз Улви Биннатова - д.ф.н., профессор (Азербайжан)
Бақиева Гуландом - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Миннуллин Ким - д.ф.н., профессор (Татарстан)
Маҳмудов Низомиддин - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Керимов Исмаил - д.ф.н., профессор (Россия)
Джураев Маматкул - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Куренов Раҳиммамед - к.ф.н. (Туркменистон)
Кристофер Джеймс Форт - Университет Мичигана (США)
Умархаджаев Мухтар - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Мирзаев Ибодулло - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Балтабаев Ҳамидулла - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Дўстмухаммедов Хуршид - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Лиходзиевский А.С. - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Сиддиқова Ирода - д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)
Шиукашвили Тамар - д.ф.н. (Грузия)
Тухтасинов Илхом - к.ф.н., доцент (Ўзбекистон) - отв.
секретарь

Подготовила к изданию: Юсупов Ойбек Неъматжонович,
E-mail: word@tadqiqot.uz

**The journal of law research was registered by the certificate 1175 from
22.06.2017. The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan**

Editor-in-Chief:

Kholtbekov Muhammadjan - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov - academician. (Uzbekistan)
Yakub Umarogly - Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Almaz Ulvi Binmatova - Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Bakieva Gulandom - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Minnulin Kim - Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)
Mahmudov Nizomiddin - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Kerimov Ismail - Doc. of philol. scien., prof. (Russia)
Juraev Mamatkul - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Kurenov Rakhimmamed - Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)
Christopher James Fort - University of Michigan (USA)
Umarchodjaev Mukhtar - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Mirzaev Ibodulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Boltaboev Hamidulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dustmuhammedov Khurshid - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Lixodzievsky A.S. - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Siddiqova Iroda - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shiukashvili Tamar - Doc. of philol. scien. (Georgia)
Tuhtasinov Ilhom - Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

Collections editor: Yusupov Oybek Nematjonovich, **E-mail:** word@tadqiqot.uz

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

ТАРЖИМАШУНОСЛИК / ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ / TRANSLATION STUDIES

ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА ШАКЛИЙ ВА МАЪНОВИЙ УЙЎУНЛИК МАСАЛАСИ

Буматова Аидахон Мергановна,
PhD тадқиқотчи, Тошкент ДЎТАУ ўқитувчиси.
e-mail: aidabumatova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада замонавий шеърий таржима жараёнидаги мутаржим томонидан амалга ошириладиган аслият матни таҳлили ва талқини, шунингдек, шеърий матн руҳиятини ташкил этувчи асосий унсурлар бўлмиш шакл, маъно ва матннинг поэтик элементлари, уларнинг таҳлили ва таржимада сақланиш қонуниятлари муҳокама қилинган. Шу нуқтаи назардан, шеърий таржима билан шуғулланиш учун ҳам аслият матни, ҳам таржима тилини мукамал билиш, ҳар икки тилдаги шеърий матнлар тузилиши ва иложи борича шоирнинг индивидуал услуби ҳақида кенг ва чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: шеърий таржима, поэтика, ритм, шакл, мазмун, вазн, поэтик бўёқдорлик, тағмаъно;

THE ISSUE OF FORMAL AND SEMANTIC HARMONY IN THE TRANSLATION OF A GHAZAL

Aidakhon Merganovna Bumatova, PhD student, ESL teacher, TSUUL
e-mail: aidabumatova@gmail.com

ANNOTATION

The article discusses the process of analysis and interpretation that is carried out by a translator taking into consideration the presence, omission or transformation of crucial elements of poetry such as form, meaning and poetics of a poem. Thus, the main elements and formation of a poetic spirit, their analysis and translation characteristics are the most difficult parts and elements that make the translator struggle during this recreational process.

Key words: poetic translation, poetics, rhythm, form, meaning, foot, poetic embroidery, pragmatic meaning;

О ГАРМОНИИ ФОРМЫ И СМЫСЛА В ПЕРЕВОДЕ ГАЗЕЛЕЙ

Буматова Аидахон Мергановна,
PhD исследователь, преподаватель ТашГУУЯЛ; e-mail: aidabumatova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются основные элементы создающие поэтический дух переведенного стихотворения, анализ этих составляющих и особенности перевода. В статье обсуждается процесс анализа и интерпретации, с которым сталкивается каждый переводчик, который занимается переводом поэтический произведений, рассматривая наличие, упущение или преобразование важных элементов поэзии, таких как форма, значение и поэтика. Таким образом, основные элементы и формирование поэтического духа, их анализ и характеристики перевода, являются наиболее сложными частями и элементами, которые заставляют переводчика бороться в процессе. Из-за вышеперечисленных особенностей поэтического текста, во многих случаях перевод такого текста доставляет переводчику много хлопот, которые порой очень сложно, но возможно решить.

Ключевые слова: поэтический перевод, поэтика, ритм, форма, смысл, стопа, поэтическое оформление, прагматическое значение;

Бадийй адабиётнинг гултожи шеърдир. “Шеър ниҳоятда катта эстетик таъсир кучига эга бўлганнафис бадийй ижод намунасидир. ”. “Мия ва юракнинг шундай жойлари борки, уларга фақат поэзия орқали кириш мумкин” асос-эътибори билан эстетик тарбия ва турли маданиятларнинг ижобий кўринишларидан маънавий озиқланиш манбаидир. Шарқ ва Ғарбда буюк ижодкорлар томонидан яратилган мумтоз адабиёт бугунги глобаллашув даврида дунё халқлари маданиятларида муайян қадриятларнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқда. Шу маънода ўзбек мумтоз адабиёти ўзининг умрбоқий миллий ва умуминсоний қадриятлари билан жаҳон адабиёти ихлосмандларининг диққат-эътиборини тортаётганини кўришимиз мумкин.

Профессор Ш.С.Сирождиновнинг таъкидлашича, Алишер Навоий номини тарихда биринчи бор ёзма қайд этган манба тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридир. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди шоир замондошларининг ҳам юксак эътирофларига сазовор бўлган. Аммо истибдод даврларида буюк Навоийнинг даҳосига етарлича эътибор берилмади. Бу ҳолат, бугунги кунга келиб тубдан ўзгарган. Сўнгги 20-30 йил ичида, айниқса, мустақиллик даврларидан эътиборан Навоий ижоди ҳаққоний, илмий талқин қилиниб, асарлари мукамал ҳолда нашр қилинишига эришилмоқда. Бунга дунёда Ўзбекистон халқи ва унинг маданиятини ўрганиш учун очилган катта имкониятлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Чунки Интернет тармоқларида ўзбек адабиётининг тарғиботи, туризмнинг ривожланиши ўзбек адабиёти намуналари билан хорижликларни таништириш ишларини кескин кенгайтди. Бугунги кунда хорижлик адабиёт ихлосмандлари ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилишга уринаётганликлари шундан далолат беради.

Хусусан, 2016 йилда АҚШнинг Массачусетс штатида Деннис Дэйли ўзининг ўзбек тилидан таржима қилинган ғазаллар тўпламини оммага таништирди. У инглиз адабиётшуноси бўлиб, ижод билан ҳам шуғулланади. Шу вақтга қадар унинг 3 та шеърини китоби, жумладан, Навоий ижодидан шеърини таржималарни ўз ичига олган тўплами нашр этилган. У 2001 йилда Самарқандга қилган саёҳати чоғида Алишер Навоий ғазаллари билан танишади ва меҳр қўяди. Ватанига қайтгач, у дарҳол ўзбек тилини ўрганишга киришди ва ўзбек тилини

билувчи Джен исмли қизининг насрий тағламалари ёрдамида шоир ғазалларининг 21 тасини инглиз тилига таржима қилди. Ушбу китоб 2016 йил Сервена Барва Прес нашриётида босилиб чиқди.

Бу таржималарнинг диққатга сазовор жойи шундаки, улардаги шарқона бадий тафаккур тарзи, шеър жилоси ва нутқнинг ифода усули билан алоқадор бадий санъатлар мажмуи бўлмиш – лафзий санъатларнинг америкалик таржимон интерпретациясида кузатиш мумкин ўқувчисини ўзига ром этади. “Муаллифнинг образли тафаккури бадий ижоднинг муҳим хусусиятидир”. Инглиз маданиятига мансуб таржимоннинг ўзбек мумтоз адабиётидан намуналарни таржима қилиш жараёнини таҳлил қилар эканмиз, маданиятлар орасидаги фарқлар таржимага нақадар катта таъсир ўтказишини кузатиб борамиз. Асл келиб чиқиши чех бўлган инглиз таржимашунос олими Питер Ньюмаркнинг таъкидига кўра: “A translator, perhaps more than any other practitioner of a profession, is continually faced with choices, for instance when he has to translate words denoting quality, the words of the mental world (adjectives, adverbs, adjectival nouns, e.g. 'good', 'well', 'goodness'), rather than objects or events. In making his choice, he is intuitively or consciously following a theory of translation, just as any teacher of grammar teaches a theory of linguistics.”⁸

Китобдан ўрин олган ғазаллардан бири Навоийнинг “Лолазор эрмаски оҳимдин жаҳонға тушти ўт” мисраси билан бошланадиган ғазали таржимасидир. Шу вақтга қадар ғазал инглиз тилига бевосита 2 маротаба таржима қилинган эди. Биринчи марта ғазалнинг таржимаси Қосим Маъмуров ва Леонид Кметюклар томонидан амалга оширилган бўлиб, Тошкентда 2000 йилда нашр этилган Алишер Навоийнинг баъзи ғазаллари, рубоийлари ва ҳикматли сўзларининг таржималарини ўз ичига олган “Уммондан дурлар”, иккинчи марта самарқандлик таржимон Динара Султонова томонидан 2015 йилда нашр этилган “Selected gazels of Navoiy” (Навоийнинг танланган ғазаллари) тўпламларида чоп этилди. Деннис Дэли таржимаси ушбу ғазалнинг учинчи таржима версияси сифатида илмий қимматга эга.

Навоий ғазали ишқий-тасаввуфий мавзуда ёзилган. У арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) битилган бўлиб, тақтеъси: “– V – – / – V – – / – V – – / – V –”; Қофияланиш тартиби: “a-a; b-a; c-a; d-a; e-a; f-a; g-a;”. Ғазалда – “жаҳонға, осмонға, бехонумонға, корвонға, найистонға, сарви равонға, нотавонға, мозандаронға” сўзлари қофия, “тушти ўт” эса радифдир. Ғазал 7 байт ва 14 мисрадан иборат.

Ғазалнинг биринчи байти:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қирокдин осмонға тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Теварак-атрофнинг қизилликка бурканганини асло лолазор деб ўйлама, бу менинг оҳим тафтидан оламга тушган ўтдир. Шафақ ҳам эмас, ердан самога ўрлаб кетган оҳим оловидир.

Навоий байтда тафреъ санъатини қўлламоқда. Бунда маълум бир образ ўқувчига кўрсатилади-да, кейин бу сиз кўрган нарса эмас, аслида бу бошқа нарса

деб, аввалгисидан кучлироқ образ берилади. Мазкур байтда лолазор ва шафақ аслида шоирнинг оҳидан еру кўкка тушган ўт дея таъкидланмоқда. Шоир лолазор, олов ва шафақнинг бир рангдалигидан фойдаланган ҳолда бу образни яратмоқда.

Д.Султанова таржимаси:

My sigh not only to dale of tulips but to world of mine set fire, It wasn't sunset but one woeful touch set the Heaven on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Менинг оҳим нафақат лолазорга, балки менинг дунёга ўт қўйди, Бу қуёш ботиши эмас эди, балки, бир фиғонли тегиш осмонга ўт қўйди.

Таржимада шоирнинг оҳи унинг оламигина эмас, унга қўшиб, лолазор ва осмонни ҳам ёқиб юбормоқда. Аслият матнида эса лолазор олов ичида эмас, унинг алвонлиги ошиқнинг оҳидан ёниб кетган далага қиёсланиб, ўша даладан ўт кейинчалик осмони фалакка ўтгани айтилган эди. Мисрадаги лолазор образини яратишда таржимон поэтик синоним “tulip dale” иборасини қўллайди. Д.Дэли таржимаси:

Tulip fields blaze the face of my soul's fire.

Sunsets sear across the sky, touch the earth with fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Лолазорлар ёқадилар юзини менинг қалбим оловининг, Шафақлар осмонни куйдириб, ерга олов билан тегади.

Мазкур таржима она тили инглиз тили бўлган таржимон томонидан бажарилган. Унда шакл ва ритм сақланган. Инглиз тилида байтлар осон ва раvon ўқилади. Таржимон мисраларда қофияни тикламаган бўлсада, радифни сақлай олган. Хорижлик шоир-таржимоннинг буюк Навоийга муҳаббат қўйиб уни таржимасига киришгани таҳсинга сазовор. Аммо шаклий гўзаллик ва нафосат, таржимондан асл маънони қурбон қилишини тақозо қилган ва бу баъзан аслият байтларини соф дунёвий муҳаббат изҳорига айлантирган.

Таржимада шарқ мумтоз адабиётига ҳос бўлган тарфё сақланмаган. Бундан ташқари, янги образ “soul's fire” (қалб олови) киритилган. Энг муҳими, таржимага кўра, дунёни шоирнинг оҳи ёндирган эмас, аксинча, лолазорлар шоир қалбидаги оловнинг юзини шуълалантирмоқда. Аслиятдаги тафреъ тақозосига кўра, ер билан осмон туташган уфқдан самога ҳам ўт кўтарилган эди. Таржимада эса, оловнинг нақд иккита сабаби берилмоқда. Биринчиси, лолазорлар; иккинчиси, шафақлар. Иккинчи мисрада айнан шафақдан ерга ўт кетганини кўрамыз.

Бу ўринда «Уммондан дурлар»да келтирилган таржима айни маънони акс эттирганини кўрамыз:

That is no tulip field but a world set aflame by my sighs.

That is no sunset - the sky- has caught fire where it touches the earth.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Бу лолазор эмас, балки дунёга ўт қўйилгандир менинг оҳларимдан,

У қуёш ботиши эмас, балки осмонга ўт тушди у ер билан туташган жойидан.

Мазкур таржимада тафреъ яхши сақланган.

Иккинчи байт:

Дедилар: эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,

Бу сўз эшиткач, мени бехонумонга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Ёр ишқининг ўти элнинг ҳолин хароб қилар, дедилар. Буни эшитибок, мен, бечоранинг қалбига ўт тушди.

“Хонумон” хонадон, уй жиҳозлари, бойлик маъноларни англатади. Ёрнинг ишқида ёнмаган қалб, куймаган юрак қолмаган экан; унинг кўп сонли ошиқлари, ёр учун жонларидан ҳам, молларидан ҳам кечиб юборишга тайёр турган эканларини эшитдим. Атрофидагиларнинг унга нечоғлик ошиқ эканларини кўриб, мен бечора рашкдан куйиб кул бўлдим. Д.Султанова таржимаси:

It's said the blaze of her beauty burns every dwelling of men,

Catching hold of this word me a homeless one wished burn as fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Айтишларича ёр гўзаллигининг олови ёндиради кишиларнинг ҳар бир уйини,

Бу сўзни эшитиб, мен бир уйсиз, хоҳладим ёнмоқни олов каби.

Таржимада генерализация қўлланилган бўлиб, ёр юзининг ўти, унинг умумий гўзаллигининг оловига айланиб кетган. Натижда ёр юзидаги қизилликка ишора бой берилган. Биринчи мисрадаги “dwelling”нинг маъноси “уй-жой”дир. У ҳам толеъ, ҳам моддий бойлик маъносини англата оладиган “fortune” сўзи билан берилганда маъкул бўларди. Иккинчи мисрада, содир бўлган иш-ҳаракат ҳақида гап кетмоқдаки, таржимада эса бу қисм истак майли билан берилмоқда. Айни пайтда, “бу сўз эшитгач” бирикмасининг “Catching hold of this word” тарзида таржима қилиниши ўқувчи тасаввурини ёритади.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

It has been said the light of her visage sears to the core... I heard and was ignited, fortuneless as I was.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Айтилдики, унинг юзининг олови куйдирар эмиш жонгача, Мен эшитдим ва ёндим, шундайин бахтиқаро мен эдим.

“Рухсор” – “Ёр” маъносида келмоқда. Контекстдан гўзал ёр англашилмоқда. Юзнинг ёруғлиги ҳақида гап кетмаяпти. ”Ўт” эса ёрнинг гўзаллигидан ошиқ қалбига тушган муҳаббат ўти. Таржимон томонидан “хонумон” сўзининг тагмаъноси жуда яхши тушунилиб – “core” билан таржима қилинган. Агар шу ўринда, аслиятдаги каби “хонумон” ва “бехонумон”ни тазодланганда эди, шаклий ва луғавий эквивалентликка эришилган бўларди. Д.Дэли таржимаси:

Light radiates through that flesh-façade to essence.

Without fortune and prospect, I ignite with the fire Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Ёруғлик нурланади у тана ташқи қобикдан жонга қадар, Омадсиз ва умидсиз, мен ёнаман оловда.

Байтни яна бундай тушуниш мумкин: “Ундан чиқадиган нур тўғри қалбгача келадики, мен бу оловдан қочиб қутула олмайман”. Яъни, ундан тараладиган нур,

менинг қалбимга тушади. Мен эса омадсизлик ва умидсизлик аро ёнаман. “Рухсор ўти”ни таржимон ўзича талқин қилиб, умумлаштирган ҳолда бермоқда. Аслиятдаги образлар қисман туширилгани боис, шоирни куйдирган нарса ёрнинг элни куйдиришга ҳаракат қилаётгани эмас, ундан таралаётган нур бўлиб қолган. Бу кўпол хато эмас, аксинча, маъно товланиши кузатилади. Ишқ ўти “ишқ нури”га айланган. Христиан ўқувчиси учун “ўт”дан кўра “нур” анча тушунарли. Христиан илоҳиёти назарияси нуқтаи назаридан “нур” ҳам муҳаббат ўтини англатади. Бу байт Дели таржимасида анча муваффақиятли таржима қилинган дейиш мумкин.

Учинчи байт:

Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини, Барқи офат чақилиб ул корвонга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Гўё йўлдаги карвонни яшин урганидек, Ёр юзининг (гўзаллигининг) шўъласи менинг сабр-тоқатимни ёндириб кул қилиб юборди.

Байтда тамсил санъати қўлланилмоқда. Иккинчи мисрада келаётган карвон – кўпликка мос келиши учун, шоир сабрим тўдаси деган бирикмани киритмоқда. Карвон кўп киши ва уловдан ташкил топгани каби, шоирнинг ҳам сабри беҳад эди. Ёр юзини кўргунча у васл умидида қанча бўлса-да, кутишга тайёр юрарди, аммо, уни кўргач, шоирнинг улкан сабри тугади. У оғир ғамга дучор бўлди, худдики яшин урган карвон офатга дуч келгани каби. Д.Султанова таржимаси:

Miraculous fair of you grace set fire to my patience firm,

Ill-meant flash of lightning struck at, and set the caravan on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Нафосатингнинг бетакрор гўзаллиги, менинг қаттиқ сабримни ёқиб юборди, Ёмон ниятли чакмоқ чакдию, карвонга ўт кетди.

“Сабрим хайли” таржимада “my patience firm” билан берилган. Бу билан тамсил санъатини қайта яратиш учун керак бўлган кўплик тушиб қолмоқда. Аслиятда мавжуд бўлмаган ўзгаришларни ҳам кузатдик; лаъма – шўъла сўзи эса “fair” – “чирой” сўзи билан алмаштирилган. Ва ниҳоят “барқи офат” – “Illmeant flash of lightning” (ёмон ниятли чакмоқ)га айланмоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

Those rays have incinerated the gallant troops of my patience,

Recuding to ashes the caravan that they guarded, Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

У нурлар менинг кўрқмас сабрим кўшинини кул қилиб юборди, Кул қилиб улар кўриқлаб келаётган карвонни ҳам.

Мазкур таржима бутунлай эркин талқиннинг ёрқин мисолидир. Масалан, “Those rays” қандай нурлар экани ноаниқ; агар улар иккинчи байтда келтирилган “light of her visage” бирикмасига тегишли бўлса, прагматик диссонанс ҳосил бўлади, сабаби юзда “ray” бўлмади. Иккинчидан, аслиятда “gallant troops of my patience” бирикмаси йўқ. “Ҳайл” сўзи тўда, гуруҳ, тоифа, эл, жамоа; оила, болачақа, аҳлу-аёл деган маъноларни англатади. Таржимон карвонни кўриқловчи аскарлар образини киритмоқда, аммо Навоий сабрнинг кўрқмас аскарлари

ҳақида ёзмаган эди. “Сабрим тўдаси” бизнингча, туганмас, улкан, тоғдек сабрига ишора. Учинчидан, маъно ўзгариб кетган: карвонни қўриқлаб келаётган аскарларни ёндиргач, сирли нурлар карвоннинг ҳам кулини кўкка совурган бўлиб чиқмоқда. Тўртинчидан, “recuding” сўзини “reducing” сифатида ўқиш тўғри бўлади. Д.Дэли таржимаси:

Of impatience – the guards of prudence have vanished:

My caravan defenseless to the coming fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Сабрсизликдан ақл қўриқчилари ғойиб бўлдилар,

Менинг карвоним ҳимоясиздир ёпирилган олов олдида.

Юқорида “сабр” лашкари сабрсизликдан ғойиб бўлган “ақл лашкари” билан алмаштирилмоқда. Кейинги мисрада шоир карвоннинг эгаси бўлиб чиқмоқда. Аскарлар ғойиб бўлгач, унинг карвони (қаердандир) унга томон келаётган олов олдида ожиз бўлиб қолмоқда. Тамсил санъатининг қайта яратилмагани таржимада маъновий ноаниқликни келтириб чиқармоқда. Маъно жиҳатидан таржима Навоий байтидаги умумий ғояни тўғри етказа олган.

Тўртинчи байт:

Ўқларинг кўнглимга тушкач куйди ҳам кўз, ҳам бадан Ким, куяр ўлу қуруғ
чун найситонга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Сенинг ўтли ўқларинг менинг кўнглимга қадалгач, ҳам кўзим, ҳам танам куйиб кетди, чунки қамишзорга ўт тушса, ҳўлу-қуруқ баравар ёнадику. Ўқ, бу ўринда ёр нигоҳининг метафорасидир. Шоир маъшуқасининг ўтли нигоҳига дуч келиб, унинг кўнглига муҳаббат ўқлари қадалди. Севги олови унинг қалбидан кўзлари ва танасига тарқайди. Шоирнинг бутун вужуди маъшуқа томон талпинади. Бу ўтни ҳеч ким ўчиролмайди. Мазкур байтда шоир ирсоли масалдан фойдаланган ҳолда, ўзининг аҳволини ўт кетган тўқайга қиёслайди. “Тўқайга ўт кетса ҳўлу – қуруқ бирдай ёнади” деган мақол билан ўз аҳволини далилламоқда. Бундан ташқари байтда параллел қурилмалар ҳам бор. Яъни, кўз одатда ёрдан айро ёш тўкавериб доим ҳўл бўлади, натижада тана беҳол бўлиб қуриб қолади.

Д.Султанова таржимаси:

When your arrows reached my heart both my eyes and body burnt,

And who could stay safe if everything dry and wet one were on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Сенинг ўқларинг қалбимга етиб келганида ҳам кўзим, ҳам қалбим куйди,
Ким қутулиб қолар эди, агар ҳўлу-қуруқ бирданига ёнса.

Агар иккита камчиликни ҳисобга олмаса таржима жуда яхши бажарилган. Биринчидан, байтнинг иккинчи мисрасидаги “чунки” маъносиини берадиган “ким” боғловчисининг кишилиқ олмоши “who” билан алмаштирилган. Иккинчидан, эга ва кесим мослашуви қондасига эътибор берилмаган. Грамматик тўғри қурилган фикр шеърни тушунишни енгиллаштиради. Шу нуқтаи назардан “everything” олмоши билан “was”нинг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

One flash of lightning and my eyes and my body and soul were consumed, All was a sea of flame as though the rushes had been set ablaze.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Чақмоқнинг бир чақишидан менинг кўзлариму танам ва қалбим олов ичида қолди,

Ҳамма ёқ олов денгизига айланди худдики қамишзорга ўт кўйиб юборилгандек.

Аслиятдаги “ўқлар” негадир “one flash of lightning” (“чақмоқнинг бир чарақлаши”) билан ўгирилган. Бундан ташқари аслиятдаги мантиқий кетмакетлик ҳам ўзгартирилган. Хусусан, аввал кўз, кейин тана ва охирида қалб ёнмоқда. Бу Навоийнинг идеалидаги севги эмас. Севгининг айнан юракдан бошланиши унинг ҳақиқий эканидан нишонандир. Бу Аллоҳга муҳаббат ҳам бўлиши мумкин, сабаби кишилар Аллоҳ жамолига кўз ва тана билан эмас, қалб воситасида етишадилар. Таржимада ирсоли масалнинг қайта тикланмагани унга катта зиён етказган. Таржимага “sea of flame” ва “rushes” образларининг киритилиши мисрани сўзма-сўз тушуниш натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Д.Дэли таржимаси:

A lightning flash has struck and changed me utterly As rushes burst and spread in a sea of fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Чақмоқ чақиб менга тегди-да мени бутунлай ўзгартириб юборди, Худдики қамишлар гув этиб ёниб олов денгизига айлангани каби.

Таржима бошқаларига қараганда шаклан анча сиқик. Бу қисқалик, аслиятнинг кўпчилик образларини ташлаб юбориш натижасида пайдо бўлган. Хусусан, ирсоли масал умуман берилмаган. Унинг ўрнига шоирни чақмоқ уриб уни ўзгартириб юбормоқда. Кейинги мисрада маъно сақлангани диққатга сазовор. Қамишзорнинг олов денгизига айлангани ҳўлу қуруғ бирдек ёнгани ҳақида тасаввур уйғотади.

Бешинчи байт:

Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин, Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Ё гулларнинг кулини кўкка совургани учун ҳам қуюн рангдор бўлиб қолганмикан ёки фалакнинг жафоларидан сарв дарахтига ўт тушдимикан.

Қуюннинг туси одатда унининг гирдобига тушиб қолган нарсалар ва тупроқнинг аралашмасидан ҳосил бўлади. Шоир кўриб турган қуюн ҳам гул рангини олган. Бу ерда қуюн офат, гуллар қонини тўкиб, яъни яксон этиб, қонга беланган. Шунинг учун у рангли тусда. Шоир қизил рангни назарда тутаётгани кўриниб турибди. Тикқомат сарв дарахти ҳам тақдирнинг адолатсизликларидан ўт бўлиб ёнмоқда. У ҳам олов шуъласида қизил рангга бурканган. Ушбу байтда шоир ташбеҳ санъати воситасида олов ва гул ранги ўртасида параллел чизик тортади. Ишқ – офат, бало. Унинг домига тушган ошиқнинг ишқ азобида қон ютиши ҳақида мумтоз шеърятда мисоллар кўп. Д.Султанова таржимаси:

Whirlwind furiously blowing snatched, scatted roses of my land,
Was it dooms of Heaven that to cypress fascination was set a fire?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Даҳшатли куюн бўлиб менинг ерим атиргуллари пайхон қилиб, кўкка совурдимикан,

Ёки фалакнинг бедодлигидан у сарви равон ёндирилдимикан.

Биринчи мисрадаги “to scat” феъли шоир назарда тутган пайхон қилиш маъносини бермайди. Шунинг учун бу феъл аслида “to scatter” бўлиши керак деб ўйлаймиз; нашрда хато кетган бўлиши мумкин. Таржима конкретлаштириш ва кўшиш усулидан фойдаланиб гулга нисбатан “rose of my land” иборасини ишлатмоқда. Тўғри, атиргул инглиз шеъриятида муҳаббат рамзидир. Унинг Шекспир сонетлари ва драммалари, ҳамда Р.Бёрнснинг “Red rose” шеърида келтирилиши бунга ёрқин мисолдир. Бироқ Навоий байтда ўзига юзланган офатни тасвирлашда куюн ва олов образидан фойдаланаётганига эътиборни қаратмоғимиз даркор. Аслият образларини таржимада ўқувчи тили лексикасида бор шеърий образлар билан алмаштириш лозим деган фикрда ҳам маълум бир маънода жон бор. Аммо, иложи борича миллий колоритни, бу ўринда Навоий қўллаган бадий санъатларни очишга йўналтирилган образларни сақлаш ўзбек мумтоз ғазалиётининг жозибасини кўрсатишга хизмат қилишини унутмаслигимиз мақсадга мувофиқ. Мумтоз адабиёт намуналарини кўпроқ таржима қилиб, янги образ ва бадий санъат воситаларини чет эл адабиётига неологизм қилиб киритиб боришга қаратилган уринишларни қўллаб – қувватлашимиз керак. Вақт ўтиши билан соф миллий рух билан йўғрилган тушунчалар, ҳориж адабиёт учун ҳам осон қабул қилинадиган тушунчаларга айланиб қолади. Форс ва араб адабиётидан қилинган мумтоз асарларнинг таржималари, ҳозирда америка ва кўпгина Европа давлатларида ғазалнависликнинг шаклланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бутун бошли ғазал жанрини ғарб адабиёти томонидан ўзлаштирилганда, ундаги образларнинг ўзлашмаслиги, ёки тушунарсиз бўлиб қолиши ҳақида гапириш ноўрин бўлади.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

Was it a whirlwind that snatched and scattered the life of the flower?

Was it the treachery of the skies that ignited the tapering cypress?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

У куюнмикан қайсики гул умрини янчиб кўкка совурган,

Ёки осмонлар бедодлигидан у тораяётган сарвга ўт тушдимикан.

Матндаги “treachery” аслида “treachery”, “cypress” эса “cypress” шаклида ёзилади. Аммо имло хато туфайли ёрнинг Кипр ярим оролига айланиб қолгани жуда жиддийдир. Балки бу нашр жараёнида рўй берган хатоликдир. Бу ўринда Сарв – дарахт, ёки ёрга нисбатан қўлланилаётган метафора; Кипр – жанубишимолий Европада жойлашган орол-давлат. “Tapering cypress” бирикмаси инглиз тилида ландшафт дизайнига мослаш учун сарвга ишлов беришга нисбатан қўлланилади. Гап ҳам ёр, ҳам дарахт ҳақида бораётгани учун

“beautiful” сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблаймиз. Д.Дэли таржимаси:

Did a whirlwind seize and scatter the flower's life?

Did heaven's treachery envelope in fire Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Куюн гулнинг ҳаётини юлиб олиб совурдим, Осмоннинг бедодлиги ёқиб юбордим.

Байт оҳанги ёқимли. Аммо маъно сийқалашган. Агар иккинчи мисрада сарв образи туширилиб қолдирилмаганида эди, ўзининг шакли нуқтаи назаридан ўқилиши осон, маъноси ҳам яхши сақланган таржима шу бўларди.

Олтинчи байт:

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг вале, мен нотавонга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Сен элни куйдириш учун юзингдан пардани кўтарган заҳотинг менинг бағрим ёниб кул бўлди.

Бу байт-шоҳбайт. Унда тасаввуф фалсафаси акс этган. Аллоҳ жамолини кўришга ҳамма иштиёқманд. Унинг жамоли оламда акс этади. Аммо уни кўриш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Уни англаш учун солиқ Илоҳий Ишқ оташида ёнмоғи лозим. Аллоҳ (Ҳақ) васли йўлида маст ошиққа етган ҳар бир жазба ошиқ қалбини куйдириб кул қилади. Д.Султанова таржимаси:

I caught fire, just when you'd showed thy face to make men be in flames, Yours people thou made take fire, but only me poor one took fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Мен ёндим, сен юзингни очишинг биланоқ, одамларни куйдириш учун, Сеникилар одамлар сен куйдирдинг, лекин фақат бечора мен куйдим.

Орттирма нисбатдаги “make smb V” ибораси одатда ҳаракат феъллари билан ишлатилади. “Yours” сўзи ўзидан кейин от олиб келгани учун “your” бўлиши лозим. “Ўт солмоқ” ва “тушти ўт”нинг биргина “take fire” билан ағдариб, таржимон формал эквивалентликни сақлашга уринган, аммо, бу жумла сунъий жарангламоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

How I suffered that moment. Did you unveil you countenance to punish?

You scorched them all and I, like a fool, was inflamed.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Қандайин қийналдим ўшанда. Сен юзингни жазолаш учун очдингми?

Сен уларнинг ҳаммасини куйдирдинг, мен аҳмоқ каби ёндим.

Инглиз тили учун “unveil” шакли ҳос, “inveil” эмас. Биринчи мисрадаги жумланинг иккига ажратилиши, бир қисмининг ҳаяжон, иккинчи қисмининг сўроқ шаклига айланрилишидан кўзланган мақсад ноаниқ. Аслиятда “punish” ҳақида гап кетмаган. Ёр нега одамларни жазолаши керак? У гўзал, у эрка; у ҳамма уни суйишини хоҳлайди. Шоир ўзини аҳмоқ (“fool”) деб атагани ҳақида аслиятда умуман маълумот йўқ. Д.Дэли таржимаси:

The tapering cypress? How could you do it:

Unveil your countenance, unleash my passion's fire?

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Конуссимон сарв? Нега ундай қилдинг?

Юзингни очдинг, менинг эҳтиросим оловини бўшатдинг?

Олдинги байт билан солиштирилганда, мазкур мисралар таржима эмас, эркин интерпретация кўринишига келиб қолганини кўришиб турибди. Маълумки, мактаъдан олдинги шоҳбайтда шоир ғазалдаги асосий фикр, таъбир жоиз бўлса ўз ҳаёт фалсафасини ифодалайди. Шу боисдан, бир қарашда бу каби мисралар умумий ғазал билан боғланмагандек туюлиши мумкин. Навоийнинг замони, анъаналари, ҳаёт тарзи билан унчалик яқиндан таниш бўлмагани учун таржимон ирфоний фикрга йўғрилган мисраларни, ғарб кишиси осонроқ тушунадиган қилиб, оддийлаштириб, дунёвий ҳис-туйғу кўринишида ўтирган. Шаклга ҳам мазмунга мос равишда қайтадан ишлов берилиб, сўроқ гап қурилмалари киритилган.

Еттинчи байт:

Эй Навоий, билки оҳе чекмишам беихтиёр,

Десаларким, бешайи Мозандаронга тушти ўт.

Байтнинг маъноси:

Эй Навоий, агар кимдир Мозандарон ўт кетибди деса, билки, мен ногаҳон оҳ чеккан бўламан; Мозандаронга ўт менинг оҳим учқунидан тушган бўлади. Мақтаъ, ғазалнинг якуни бўлиб, унда шоир ўз фикрларини хулосалайди. Шоир мақтаси матла билан узвий боғланган. Ўзига қарата қилган хитобида юқорида атрофга ўт кўйган образлардан ҳам кучлироқ бўлган – унинг оҳи экани, ва шу оҳдан чиққан учқун ҳатто бир неча масофа узоқдаги Мозандаронни ҳам кул қилиб юбориши мумкунлигини ғулув ёки гипербола орқали таъкидламоқда. Шу ўринда Мозандаронгатегишли бўлган бир қатор маълумотларни келтириб ўтишни жоиз топдик. Мозандарон — Эрондаги тарихий вилоят. Гилон билан Хуросон ораллигида. Ҳозирги маъмурий бўлиниш бўйича остон (вилоят). IX-XII аср манбаларида Табаристон номи билан маълум. XIII асрдан эса Мозандарон деб аталган. Сосонийлар даврида мустақил ҳокимлик бўлган, кейинчалик араблар, сомонийлар, салжуқийлар, мўғуллар қўл остига ўтган, аммо ҳокимиятни маҳаллий ҳокимлар бошқарган. Мозандаронни XIV аср охирида Амир Темур қўшинлари эгаллаган. Амир Темур ҳукмронлик қилган йиллари унинг давлатига қарашли ўлкалар тўрт қисмга бўлинган: Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Ҳирот) — Шоҳрухга, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (Маркази Табриз) — Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) — Умаршайхга, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) — Пирмуҳаммадга суюрғол қилиб берилган эди. XVI аср бошида Мозандарон яна маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтган. Аббос II даврида Мозандаронда маҳаллий сулола тугатилиб, Мозандарон Сафавийлар давлатига қўшилган.

Фикримизча байтлар таржимасида бир хил хатоликларга йўл қўйилган: Д.Султанова таржимаси:

Hey Navoiy get aware of that, that I've moaned all at once,

As I was told that brush woods in Masandaran had been on fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Эй Навоий, билки мен ногаҳон оҳ чеккан бўламан,

Чунки менга Мозандарондаги ўрмонга ўт кетган деб айтишган бўлишади.

Таржимага кўра, шоирга Мозандаронга ўт кетганини айтишгани учун у оҳу-фигон чеккан бўлади. Аслида эса унинг ёрдан бошқа дарди йўқ, шоир ҳижрондан оҳ чекмоқда.

«Уммондан дурлар»да келтирилган таржима:

When it is said the forests of Masandaran had caught fire, Know, Navoiy, I suffer unwittingly.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Мозандарон ўрмонларига ўт кетибди дейишса, Билгин Навоий, мен ногоҳ қийналаман.

Мазкур таржимада ҳам шоир Мозандарон тўқайининг ёниб кетганидан қийналапти. Аслиятда эса бунинг акси. Д.Дэли таржимаси:

Understand, Navoiy, I deny my suffering

As the Masandaran forests turned red with fire.

Байтнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси:

Тушун Навоий, мен азоб чекишни рад этаман,

Чунки Мозандарон ўрмонлари оловдан қизариб кетди.

Таржима ҳам маъно, ҳам шарқ мумтоз ғазали анъаналари нуқтаи назаридан ғализ чиққан. Аввало шоир ўз оҳининг кучлилик даражасини Мозандарон тўқайзорларидаги кучли ёнғинга менгзаган. Таржимада эса бунинг акси.

Юқоридаги таржималар таҳлили натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Ҳар учала таржимада ҳам ғазалнинг аслиятдагидек ҳажми ва шакли сақланган – 7 байт ва 14 мисра;

2. Аслият матнидаги “жаҳонға, осмонға, бехонумонға, корвонға, найистонға, сарви равонға, нотавонға, мозандаронға” қофиялари афсуски бирорта ҳам таржимада қайта тикланмаган;

3. “Тушти ўт” радифи Д.Султанованинг таржимасида тўлик, Д.Дэйлининг таржимасида 6-байтдан ташқари барча байтларда тикланган;

4. Вазн ва ритм нуқтаи назаридан қараганда энг осон ўқиладиган таржима Д.Дэйлининг таржимасидир;

5. Аслият матнидаги образлар баъзи ҳолатларда янги бирикмалар билан алмаштирилган;

6. Мақта ҳар учала таржимада ҳам аслият матни билан номутаносиб.

Учала таржимон ҳам Навоийнинг мазкур ғазалини инглиз тилига ўгиришда жуда катта жонбозлик кўрсатганлар. Классик адабиётнинг лирик жанрлари мутахассисдан чуқур лингвистик билим, улкан маҳорат, ўз ишига муҳаббат, ғазалда келтирилган нозик маъноларни илғай олиш кўникмаси ва албатта, катта жасорат талаб қилади. Сабаби, ҳар кимнинг ҳам Навоийни таржима қилишга ҳадди сизмайди. Бу жуда катта масъулият. Навоийни инглиз тилига таржима қилиш XIX асрда бошланган бўлсада, бугунга қадар биз буюк Навоий даҳосини,

форс адабиётининг йирик намоёндалари бўлмиш Саъдий, Ҳофиз, Ҳайём, Румий кабилар қаторида танита олган эмасмиз. Навоийнинг тили мураккаб, чет элликлар у ёқда турсин, оддий кишилар баъзан мутафаккирнинг байтларини тушунишга қийналиб қолишлари мумкин. Аммо бу таржима қилмаслик, миллий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилмаслик учун баҳона бўла олмайди. Иш бор жойда камчиликнинг ҳозир бўлиши табиий ҳол. Мақоланинг асосий мақсади асло устоз таржимонларимиз томонидан бажарилган таржималарни танқид қилиш эмас. Аксинча, улар қўйиб берган асосни таҳлиллар воситасида ривожлантириш, силлиқлаштириш ва ўзбек маданияти билан таниш бўлмаган кишиларнинг юксак нафосат ва бадиийлик намунаси бўлмиш ғазалларни қабул қилишини енгиллаштириш йўллари топишдир.

Америкалик Д.Дэйли томонидан амалга оширилган ғазалларининг таржимаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у камчиликлардан холи бўлмаса-да, буюк Алишер Навоийни жаҳонга танитишда яна бир дадил қадамдир. Келажакда хорижий таржимон ижодкорларининг ўзбек Навоийшунос олимлари билан фаолият олиб боришлари эса унданда гўзал ва мукамал таржима асарларини дунёга келтиришига ишончимиз комил.

Адабиётлар

1. Newmark, P.: "A textbook of translation". Printed and bound in Great Britain by A. Wheaton & Co. Ltd, Kxeter. 310 P.
2. "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати", III жилд. Тошкент, «Фан», 1983. – 624 Б.
3. Бақоева, М.: "Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик масалалари". – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 2015. – 288 Б.
4. Исҳоқов, Ё.: "Сўз санъати сўзлилиги". – Тошкент: "Ўзбекистон", 2014. 320 Б.
5. Дэйли, Д.: "Twenty-one ghazals; Alisher Navoiy"; Сервена Барва Пресс, Соммервил, Массачуссетс – 2016 йил. – 46 Б.
6. Навоий, А.. "Ғаройиб ус-сиғар", МАТ, III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 1992. – 573 Б.
7. Расулов, А.: "Танқид, талқин, баҳолаш". – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 2006. 232 Б.
8. Раҳмонов, В.: "Мумтоз сўз сеҳри"; "Ўзбекистон" НМУИ – 2015 йил. – 440 Б.
9. Сирожиддинов, Ш.: "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили". – Тошкент: "Академнашр" нашриёти, 2011 йил. 329 Б.
10. Сирожиддинов, Ш., Одилова Г.: "Бадиий таржима асослари". – Тошкент: "Мумтоз сўз", 2011. 166 Б.
11. Султанова, Д.: "Selected gazels of Navoiy"; Тошкент – 2015 йил. – 68 Б.
12. Тўйчиев, У.: "Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари.". – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2011. 508 Б.
13. "Уммондан дурлар" – ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Тузувчи Йў.Парда; "Шарқ" нашриёт-манбаа концерни, 2000 йил. – 144 Б.
14. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mozandaron>
15. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/509>

Nurullayeva Sarvinoz Majidovna
МЕТАФОРИЗАЦИЯ МИФОНИМА «ДЬЯВОЛА» В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ.....100
Нуруллаева Сарвиноз Мажидовна

АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙНИНГ АРАБ ТАЗКИРАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....106
Сулаймонова Хулкар Мўминжонова
РОЛЬ АБУ МАНСУРА АС-СААЛИБИ В СОСТАВЛЕНИИ АРАБСКИХ ПОЭТИЧЕСКИХ
АНТОЛОГИЙ.....106
Сулаймонова Хулкар Муминжонова
THE ROLE OF ABU MANSUR AL-THAALIBI ON THE COMPOSING OF ARABIC POETIC
ANTHOLOGIES.....106
Sulaymonova Hulkar Muminjonovna

ФАХРИЙ ҲИРАВИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ.....115
Туйчиева Ойдин Сайфуллаевна
ВИДЫ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ В ГАЗЕЛЯХ ФАХРИ ХИРАВИ.....115
Туйчиева Ойдин Сайфуллаевна
FEATURE ART OF FAHRIY'S GAZELLES.....115
Tuychieva Oydin Sayfullayevna

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ СПЕЦИФИКА “СЛОВА”.....122
Ходжиматова Махсума Кучкаровна
“СЎЗ”НИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТИ.....122
Ходжиматова Махсума Кучкаровна
LITERARY SPECIFICITY OF THE “WORD”.....122
Khodzhimatova Makhsuma Kuchkarovna

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА ШАКЛИЙ ВА МАЪНОВИЙ УЙҒУНЛИК МАСАЛАСИ.....129
Буматова Аидахон Мергановна
THE ISSUE OF FORMAL AND SEMANTIC HARMONY IN THE TRANSLATION OF A GHAZAL.....129
Aidakhon Merganovna Bumatova
О ГАРМОНИИ ФОРМЫ И СМЫСЛА В ПЕРЕВОДЕ ГАЗЕЛЕЙ.....129
Буматова Аидахон Мергановна

JEYMS HEDLI CHEYZ ASARLARI TARJIMASIDA LEKSIK-STILISTIK TRANSFORMATSIYALARNING
QO'LLANILISHI.....142
Xolikova Nozima Nematilloevna
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЛЕКСИКО-СТИЛИСТИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ В ПЕРЕВОДЕ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ ДЖЕЙМСА ХЕДЛИ ЧЕЙЗА.....142
Нозима Нематиллоевна Холикова
THE USE OF LEXICA-STYLISTIC TRANSFORMATIONS IN THE TRANSLATION OF THE WORKS OF
JAMES HEDLEY CHASE.....142
Nozima Nematilloevna Kholikova